

**МУҲАММАД ШАЙБОНИЙХОН МАДРАСАСИ ЁХУД МАЛИКА
МЕҲРИ СУЛТОН ХОНИМ ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА БАЪЗИ
МУЛОҲАЗАЛАР**

МИРЗАЕВ Бекзод Нуралиевич

*Жиззах давлат педагогика институти тарих ва
уни ўқитиш методикаси кафедраси стажёр-ўқитувчиси*
mirzayev.bek91@mail.ru

Аннотация

Ушбу мақола моҳир сиёсатчи ва саркарда, давлат арбоби, ижодкор ҳамда илм-фан ҳомийси бўлган Муҳаммад Шайбонийхон ва шайбоний ҳукмдорлар билан бир қаторда бунёдкорлик ва ободончилик соҳасида фаолият юритган маликалардан бири Меҳри Султон хоним хусусида тарихий ёзма манбалардаги маълумотлар асосида ёритишга ҳаракат қилинди.

Калит сўзлар: мадраса, вақф, муддарис, Меҳр Султон хоним, Пўлод султон

Статья основана на исторических письменных источниках о Меҳри Султানে Бегиме, талантливом политическом деятеле и полководце, государственном деятеле, создателе и покровителе науки, а также одном из князей в области созидания и благоустройства, правителях Мухаммада Шайбанихана и Шайбани.

Ключевые слова: медресе, вақф, муддарис, Меҳр Султан хоним, Полат Султан

This article is based on historical written sources about Mrs. Mehri Sultan, a talented politician and commander, statesman, creator and patron of science, as well as one of the princes in the field of creation and beautification, Muhammad Shaybanikhan and Shaybani rulers.

Keywords: madrasa, foundation, muddaris, Mrs. Mehr Sultan, Polat Sultan

Кўхна мозийдан хабар берувчи тарих зарварақларини варақлар эканмиз, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида эркаклар билан бир қаторда буюк жасорат соҳибаларининг номлари ҳам тараннум этиб келингани гувоҳи бўламиз. Аёллар орасидан шавкатли ҳукмдорлар, оқила маслаҳатгўйлар, етук донишмандлар, забардаст олималар, суҳандон шоиралар ва зукко санъатшунослар етишиб чиққан. Чунончи, массагетлар ҳукмдори Тўмарис, қадимий Пальмиранинг ҳукмрони Зиновия, испан қироличаси Изабелла, арман маликаси Тамаралар ўз даврининг етук сиёсатдон ҳукмдорлари бўлганлар. Гарчи бундай ҳукмдор, олима, шоира ва

донишманд аёллар Фарбда бармоқ билан саналса-да, Шарқ мамлакатларида уларни кўплаб учратиш мумкин. Биргина Маълумки, темурийлар салтанатидан сўнг, Шайбонийхон даврига келиб, Мовароуннахр тарихидаги аёллар ҳам катта ўрин эгаллагани манбалардан яхши маълум. Жумладан, Муҳаммад Шайбонийхоннинг (1451—1510) рафиқаси — Ойша Султон хоним (Мўғул хоним номи билан машҳур бўлиб, саройда таъсири катта бўлган), Темур Султоннинг рафиқаси — Меҳри Султон хоним, Абулғози Убайдулло Баҳодирхоннинг (1484—1540) суюкли хотини — Ойсулув (Суюнчхўжа ибн Абулхайрхон қизи) каби шулар жумласидандир. Бу маликалар ҳақида кўпгина қўлёзма ва тошбосма асарларда қизиқарли маълумотлар мавжуд. Масалан, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг (1433—1530) «Бобурнома», Гиёсиддин Муҳаммад Хондамирнинг (1475—1535) «Ҳабиб ус-сияр фи ахбор афрод ул-башар» («Инсон хабарларида дўстларнинг таржимаи ҳоли»), Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома», Муҳаммадёр ибн Араб Қатағаннинг «Мусаххир ал-билод», Ҳақимхон тўранинг «Мунтахаб ут-таворих», «Тазкират ул-хавотун» («Хотинлар тазкираси») ва «Машоҳир ун-нисвон» (Машҳур хотинлар) каби асарларда шу қимматли маълумотларни учратиш мумкин.

Ушбу мақола моҳир сиёсатчи ва саркарда, давлат арбоби, ижодкор ҳамда илм-фан ҳомийси бўлган Муҳаммад Шайбонийхон ва шайбоний ҳукмдорлар билан бир қаторда бунёдкорлик ва ободончилик соҳасида фаолият юритган маликалардан бири Меҳри Султон Бегим хусусида тарихий ёзма манбалардаги маълумотлар асосида ёритишга ҳаракат қилинди.

Меҳр Султон хоним Муҳаммад Шайбонийхоннинг тўнғич ўғли Муҳаммад Темур Султоннинг севимли аёлларидан бири бўлган. Унинг отаси Бурундукхон ўша йиллари кўнгилли кўшинларнинг бошлиқларидан бири сифатида Муҳаммад Шайбонийхон билан Сирдарё бўйи шаҳарлари учун бўлган жангларда бир неча марта тўқнаш келган. Муаллифи ноъмалум тарихчининг ўзбек тилидаги «Таворихи гузидаи нусратнома» асари (1502-1504 йилларда ёзилган)да ёзилишича, Муҳаммад Шайбонийхон билан тўқнашувлардан бирида навбатдаги мағлубиятга учраган Бурундукхон, Муҳаммад Шайбонийхон билан курашиш фойдасизлигини англаб, бошқача йўл тутди: қизини Муҳаммад Шайбонийхоннинг ўғли Темур Султонга никоҳлаб беради [1]. Шу орқали шайбонийлар яқиндан қариндошлик ришталарини боғлаганлиги ва ўзаро урушга барҳам берганлигини англаш мумкин. Бундан

ташқари, Самарқанд забт этилгач, Муҳаммад Темур Султон Самарқанд ҳукмдори Султон Али Мирзонинг синглисига ва Ахсида мағлубиятга учраган мўғул хонларининг асирга олинишидан сўнг эса, яъни, Султон Аҳмад ва Султон Маҳмудларнинг опаларига, яъни, Юнусхон (1467-1487 йй.)нинг қизига уйланиш орқали темурий ҳукмдорлар билан ҳам яқин алоқалар ўрнатганлиги манбаларда ўз ифодасини топади [2].

Муҳаммад Темур Султон – шайбоний тарихчиларининг эътироф этишича, уни Муҳаммад Темур Баҳодирхон номи билан атайдилар, у амакиси Маҳмуд Султоннинг ўғли Убайдулла Султон (1533-1539 йилларда ўзбекларнинг олий хони) билан бирга ўзбек қўшинларининг кўп юришларига бошчилик қилган. Муҳаммад Темур Султонни замондошлари яъни, ўша давр шайбоний ёзувчилари ортиқча бўртирмасдан, унинг “қаҳрамонликлари” ҳақида таъриф беришган [3]. У бошқа ўзбек султонлари қаторида Қорақум исёнини бостиришда фаол иштирок этган. Исёнчиларнинг кўпчилигини қатл эттиришда қатнашган ва исёнчиларнинг бошларидан маҳаллий аҳолини қўрқитиш мақсадида Бухородаги от бозорда одамлар калласидан минора қурдирган [4,22] ва ҳамда Самарқанд ҳокими билан бирга Самарқанддаги ишларни тартибга келтиришда махсус топшириқ олган [5]. Бундан фойдаланиб, у Самарқанд худудида ўзига ерлар, уй-жойлар, савдо ва уларнинг масканларини ўз қўлига олган ва унинг вафотидан кейин, бу мулкларнинг бир қисмини Шайбонийхон мадрасасининг қурилишига турмуш ўртоғи Мехр Султон хоним томонидан вақф мулки сифатида тортиқ қилинган.

Дарҳақиқат, Шайбонийхоннинг бунёдкорлик соҳасидаги фаолиятини тўнғич ўғли Муҳаммад Темур Султондан ворис қолган Пўлод Султон давом эттиради. Айни шу маънода унга онаси Мехр Султон хоним ёрдам беради ва биргаликда бобоси ва отаси даврида қурила бошланган мадрасани охирига етказадилар. Малика чала қолган мадрасани битказиш билан бирга ўзи ҳам шу мадрасанинг шимолий қисмида мадраса барао этади ва икки мадрасани бир-бирига туташтиради. Шу боис, бу мадрасалар халқ орасида “қўш мадраса” ёки “мадрасаи хуржун” деб номланган. Қўш мадрасанинг кириш эшиги устидаги иккинчи қаватда ноёб китоблар тўпланадиган кутубхона ҳам бўлган. Мехр Султон хоним нафақат ушбу мадраса биносининг ташқи қиёфаси ва таълим жараёнини назорат қилибгина қолмай, балки унинг моддий таъминотига ҳам катта эътибор қаратган [6, 81-82]. Бу ҳақда

атрофлича маълумотларни маликанинг буйруғи билан тузилиб, бизгача етиб келган вақф ҳужжатларидир. Бу ҳужжат тарихчи олима Р.Мукминова томонидан ўрганилиб, илмий муомилага киритилган.

Меҳри Султон хоним “Вақфнома” ва бошқа манбаларда Маҳди Улия [7] ва яна Меҳрибонхоним ҳамда Меҳрхоним ҳам деб аташган.

“Вақфнома” га киритилган мадраса таъминотига оид жуда катта мулк янги олий ҳукмдор Суюнч Ходжахон (1510 й.) томонидан Муҳаммад Темур Султонга Жанубдаги Кеш, Насаф, Хузор, Дарбанд ва уларга ёндош ерларни, яъни, Амударё соҳилларигача бўлган ерларни инъом этган. Кейинчалик, унинг вафотидан сўнг, Меҳри Султон хоним томонидан вақфга киритилади. Шундан кўринадики, ушбу мулклар мадраса таъминоти учун инъом қилганлиги мамлакатда тартиб ўрнатиш ва ободонлаштириш мақсадида амалга оширилганлигидан дарак беради.

Ана шу мадрасалар Регистондан тортиб, Оҳанин дарвозасигача чўзилиб кетган улугвор қурилиш (унинг бир чеккасида катта-катта мадрасалар, хонақолар ва Улуғбек карвон саройи, иккинчи чеккасида эса Темурнинг Жоме масжиди ва Сарой Мулкхоним мадрасаси қад кўтариб турган) таркибига кирганини назарда тутилса, ўша вақтда бунёд этилган Шайбонийхон ва Меҳри Султон хоним мадрасаларини яхлит бир меъморий иншоот сифатида тасаввур қилиш қийин эмас [8, 298-299].

Вақф ҳужжатларида келтирилган мадраса билан боғлиқ харажатлар дастлабки йилларда малика Меҳри Султон хоним назоратида бўлганлигини тахмин қилиш мумкин. Шунингдек, вақф мулкларни белгилашда ҳам, азалий удумга таянган иш кўрилганлиги табиийдир. Шу ўринда яна бир маълумотни қайд этиш жоизки, Шайбонийхон авлодларининг кейинчалик Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган Бобур Мирзо билан алоқаларида Шайбонийхоннинг маърифатпарвар ва бунёдкор келини бўлган Меҳри Султон хоним ва унинг набираси Пўлод Султоннинг иштирок этганлиги манбаларда ўз ифодасини топади. Бу ҳақда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг мемуар асари “Бобурнома”нинг бир бобида қайд этишича, “ҳижрий 935 (1582-1529 йй.) йилги сана”да бир базм таърифланади. Ушбу базмда Аграга ташриф бурган элчилар қаторида “ўзбеклар” (Шайбонийлар), “қизилбошлар” (Эрон шоҳларидан Тахмаспдан) ва “ҳиндистонликлар” (Ҳиндистоннинг алоҳида ўлкалар рожалари) ҳақида маълумотлар учрайди.

Ўзбек элчилари ичида: Кўчумхон (Кўчкунчихон – 1510-1530 йй.)нинг элчиси – Амин Мирзо; Абу Сайид Султон (1530-1533 йй)нинг элчиси ва – Мулла Тоғай ҳамда Меҳри Султон хоним ва унинг ўғли Пўлат Султон (исми сақланмаган) ҳақида маълумотлар учрайди. Шунингдек, ўзбек элчилари таркибида Убайдуллоҳ Хожа Аҳрор авлодларидан – Хожа Калон ва Хожа Абдушаҳидлар ҳам бўлган. Лекин қайси ўзбек султонидан келганлиги қайд этилмаган. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг хабар беришича, хожа Калон ўзбек хонларидан келган элчи ва “балки хожилар ўзбекларга элчилик қилган бўлиши мумкин”. Базмда уларнинг Заҳириддин Муҳаммад Бобурга яқинроқ жойда ўтирганлиги ва Бобур томонидан ўзига яқин олинганлигини кўрсатади ва уларни элчиларнинг орасида юксак ҳурмати бўлганлигини англатади [2]. Хожаларни Самарқанддан келган муллалар ва қорилар кузатиб борган. Сўнгра элчиларга улар тортиқ қилган совғаларга жавобан берилган совғалар тўғрисида ҳам маълумотлар мавжуд. “Абу Сайид Султон, Меҳри Султон хоним ва унинг ўғли Пўлат Султон, шунингдек, Шоҳ Хусайн элчиларига биз (яъни, Бобур Мирзо) тугмали чакмон ва шойи чопонлар совға қилдук” [9]. Бир қанча вақтдан кейин, Бобурнинг яна ёзишича: “Якшанба куни ўзбек элчиларига қайтишга ижозат берилди. Кўчумхон (Кўчкунчихон – 1510-1530 йй.)нинг элчиси – Амин Мирзога биз камари билан бирга ханжар, телпак ва 70 минг танга инъом этдук; Абу Сайид Султон (1530-1533 йй)нинг элчиси ва – Мулла Тоғай ва унинг навкарларига, Меҳри Султон хоним ва унинг ўғли Пўлат Султонларга тугмали чакмон (қимматбаҳо буюмлар билан) ва шойи чопонлар, шунингдек, элчиларнинг тутган мавқейига қараб пул мукофоти билан тақдирладук” [2]. Заҳириддин Муҳаммад Бобур томонидан эслатилган ёдномада “Меҳри Султон хоним” ва “унинг ўғли Пўлат Султон”лар вақф мулкининг таъсисчилари бўлганлигини билдиради. Бизнинг назаримизда, бу шу билан асосланадики, Муҳаммад Темур Султоннинг учта ўғли бўлган. Унинг каттаси Пўлатхон (турли ёзма манбаларда Пулат, Булат ва Фулад Султон-Пулат-султондан бир ўғил — Кўк Бўри-султон. Бошқа ўғли бўлмаган бир неча бор Сафавийларнинг кўшинига қарши жангларда иштирокчиси сифатида ўша даврнинг тарихий асарларида эслатиб ўтилади. Бизнинг фикримизча, айнан Пўлат Султонни З.М.Бобур ҳам назарда тутган.

1519 йилда Пўлат Султонга Ҳиндистондан Самарқандга Бобур томонидан юборган девонида айнан шу Пўлат назарда тутилганлиги ҳақида сўз боради.

Ватандан йироқда бўлган З.М.Бобур ушбу девоннинг муқовасида икки қатордан иборат мисра ёзиб, уни ўзининг ёдномасида келтиради:

“О шамол, агар сен менинг ибодатхонам томларидан эсиб ўтсанг,

Келтир, юрагимдаги хотираларимни, юракдаги айриликдан халос эт” [2].

Ваҳоланки, бу ҳолатдан шуни англаш мумкинки, З.М.Бобур ўзининг хавфли рақиби, Шайбонийхоннинг набираси Пулат Султон ўрталарида элчиликка қараганда жуда яқин алоқалар ўрнатилганлигидан далолат беради.

Меҳри Султон хоним 1558 йилдаги Жўйбор шайхларининг ҳужжатларидан бирида эсга олиниб, унда “Бобурнома”даги каби Меҳрибонхоним номи билан тилга олинади. Ер олди-сотдисига бағишланган ушбу ҳужжатда: “... Сотилаётган ернинг чегара қисми Ғубдин қишлоғидаги ерга туташган бўлиб, ушбу вақф Меҳрибонхонимга тегишлидир”[9]. Ғубдин қишлоғи мулклари “Вақфнома” рўйхатига киритилган. Ўша давр манбаларида бошқа Меҳрибонхоним номи учрамайди[4].

Шунингдек, Шайбонийхон ва Меҳри Султон хоним мадрасаси шайбонийлар даҳмаси вазифасини ҳам ўтаган. 1510 йилда Эрон шоҳи Исмоил Сафавий билан кечган жангда ҳалок бўлган Шайбонийхоннинг бошсиз танаси ҳам келтирилиб, шу мадраса сатҳидаги даҳмага қўйилган. Бу даҳмада дафн этилган ўндан ортиқ шайбоний султон ва маликалар қаторида Меҳри Султон хоним, унинг турмуш ўртоғи айбонийхонхоннинг тўнғич ўғли Муҳаммад Темур Султон ҳам дафн этилганлигини кўриш мумкин.

Тарихий манбаларда ёзилишича, XVII асрнинг охири XVIII асрнинг бошларида Самарқанддаги бир қатор меъморий обидалар ўзаро урушлар ёки қаровсизлик туфайли вайрон бўлган. Аммо амир Шохмурод (1785-1800) мадрасани қайта таъмирлашга фармон беради. Бу таъмирлаш ишларидан сўнг, мадраса ўзининг асл салобати ва муҳташам кўринишини йўқотади. Кейинчалик, 1874 йилда йўл қурилиши туфайли ушбу қўш мадрасанинг бир қисми бузиб юборилиши натижасида бугунга кунга қадар тамомила йўқолиб кетишига сабаб бўлган. Фақатгина Шайбонийлар даҳмаси кўринишида сақланиб қолган.

Шундай қилиб, келтирилган маълумотлар асосида қуйидагича хулосага келиш мумкинки, темурийлар давлатининг мағлубияти ва парчаланиши натижасида маданий-маърифий юксалиш инқирозга юз тута бошлади. Олиму фузалолар турли

ўлкаларга тарқалиб кетдилар. Қурила бошланган иншоотлар тўхтаб, таълим ва маърифат масканларига эътибор қаратилмай қолди. Ана шу вазиятда тарих сахнасида шайбонийлар сулоласи пайдо бўлди. Бу даврда ҳам ўзаро низолар, ҳокимият учун курашлар давом этишига қарамай, қисман бўлсада Самарқанд, Бухоро, Тошкент каби Мовароуннаҳр шаҳарларида ободончилик, бунёдкорлик ишлари амалга оширилган деб ҳисоблаш мумкин. Айти шулардан бири бу Муҳаммад Шайбонийхон томонидан барпо этилган мадрасадир. Бироқ, нотинчлик туфайли, тугалланмай қолади ва бу мадраса қурилишини унинг маърифатпарвар келини Меҳри Султон хоним ниҳоясига етказди ва фаолиятини давом эттириш учун унга ҳомийликни ўз қўлига олган. Бундан англашиладики, Меҳри Султон хоним вақф мулклари хўжалиги таъсисчисидир деб ҳисоблаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Таварихи гузида – Нусрат-наме. Исследование, критические текст, аннотированное оглавление и таблица сводных оглавлений А.М.Акрамова. Ташкент «Фан». 1967., л. 111 а.
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Ўқитувчи, 2008. Б. 22.
3. См. напр., Шади, Фатх-наме, стр. 376, 377, 379; А б д у л л а б. Мухаммед, Зубдат ал-асар, л. 468б, 469а; Таварихи гузиде, л. 82а, 88б, 91а. Эти восхваления активно поддерживались Мухаммед Шейбани-ханом. Одно из сочинений, в создании которого он принимал активное участие, кончается следующими словами: «...Мой сын [т. е. сын Шейбани-хана] — Мухаммед Тимур отправился, взяв [в руки] топор шариата, и жестоко сражался». (Таварихи гузиде, л. 113а). Подробнее см.: Р. Г. Мукминова, О некоторых источниках по истории Узбекистана начала XVI в., стр. 124— 126.
4. Р.Г. Мукминова. К Истории аграрных отношений в Узбекистане XVI в. По материалам «ВАКФ-НАМЕ» (Ўзбекистонда XVI аср аграр муносабатлари тарихига доир “ВАКФНОМА” материаллари). Тошкент, Ўзбекистон ССР “Фан”, 1966. 61-66-б.
5. Хофиз Таныш, Абдулла-наме, ркп. ИВ АН УзССР, № 2207, л. 276.
6. Турсуной Маҳкамова . Мадраса барпо этган маликалар. – Тошкент, “Зилол-булок”, 2019. Б. 81-82.
7. АбуТахир Ходжа, Самария, стр. 171; Вақф-наме, стр. 228.
8. Самарқанд тарихи. 2-томлик. Масъул муҳаррир И.Мўминов. таҳрир ҳайъати В.Абдуллаев ва б. 1-том. Тошкент, “Фан”, 1971. Б. 298-299.
9. П. П. Иванов. Хозяйство джуйбарских шейхов, Док. № 379.